

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙДАРА ЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Fil.05.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАЛИЕВА МАРГАРИТА РАФАЭЛОВНА**

**ДУНЁНИНГЛИСОНИЙТАСВИРИДАНИЙ-МИФОЛОГИК  
ТАФАККУРНИНГ АҚС ЭТИШИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc)диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation(DSc)**

**Галиева Маргарита Рафаэловна**

Дунёнинглисоний тасвиридиний-мифологик тафаккурнинг акс этиши.....	3
---	---

**Галиева Маргарита Рафаэловна**

Отражение мифолого-религиозного сознания в языковой картинемира .....	35
--	----

**Galieva Margarita Rafaelovna**

Reflection of mythological-religious consciousness in the linguistic world picture .....	67
---	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works.....	76
---	----

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙДАРА ЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Fil.05.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАЛИЕВА МАРГАРИТА РАФАЭЛОВНА**

**ДУНЁНИНГЛИСОНИЙТАСВИРИДАНИЙ-МИФОЛОГИК  
ТАФАККУРНИНГ АҚС ЭТИШИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil53 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.fdu.uzva](http://www.fdu.uzva) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ашурова Дилярам Умаровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алефиренко Николай Фёдорович**  
филология фанлари доктори, профессор,  
Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби

**Махмудов Низомиддин Мамадалиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ҳошимов Ганишер Мирзаҳамадович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат чет тиллари институти**

Диссертация химояси Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Fil.05.02 рақами Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (373)244-44-02; e-mail: fardu\_info@mail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (373) 244-44-02; e-mail: fardu\_info@mail.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақами реестр баённомаси).

**М.Х. Ҳакимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**М.Т. Зокиров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н. доцент

**С.М. Мўминов**

Илмий даражалар берувчи Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XX асрда тилшунослик ўз эътиборини асосан, тилнинг «ички», яъни «ўз ичидаги ўзи учун» тамойилига асосланган тадқиқига қаратди. Тилни «халқ руҳи» сифатида талқин қилиниши ташқи лингвистика масалалари ҳисобланар, шу боис у қадар аҳамиятли эмас эди. Бироқ XXасрнинг сўнгги чорагида систем-структур парадигманинг антропоцентрик парадигмага «қўчиши» билан шартланган бурилиш содир бўлди. Мазкур парадигма тилга олам ҳақидаги билимлар ва маданий ахборотни сакловчи муҳим манба сифатида қарашни тақозо этади. Шу тариқа ташқи лингвистика обьекти ҳисобланган мавзулар аҳамияти жиҳатидан устуворлик касб эта бошлади вазамонавий тилшунослик тадқиқотларга нисбатан фанлараро ва холистик ёндашуви билан ажралиб туради. Бу «тил – тафаккур – маданият – жамият» тарзидаги ўзаро алоқадорлик муаммосини узвийлиқда тадқиқ этиш мақсадига мувофиқ равища лингвистиканинг маданиятшунослик, жамиятшунослик, тарих, психология, фалсафа, антропология, этнография, теология сингари оралиқ фанлар билан интеграллашувини тақозо этади. Лингвистиканинг юқорида санаб ўтилган фанлар билан алоқаси натижаси сифатида тилшуносликда тилни бир неча фан кесишувида ўрганувчи психолингвистика, социолингвистика, этнолингвистика, когнитив лингвистика, лингвокультурология, прагмалингвистика, гендер лингвистикаси ва, ниҳоят, айни вактда шаклланиш босқичидаги теолингвистика кабибир қатор йўналишлар вужудга келди.

Хозирги кунда, тил, маданият ва дин ўртасидаги яқин муносабатларнинг англаниши, диний-маънавий қадриятларнинг шаклланиши, маданий ва диний идентификация муаммоларининг долзарблиги, халқаро ва конфессиялараро диний алоқаларнинг ривожланиши янги фанлараро лингвистик йўналиш – теолингвистика, яъни «тил ва дин оралиғида вужудга келган ва тилда акс этган диний билим тузилмаларни ифодаловчилисоний бирликларни тадқиқ қилувчи фанининг вужудга келишини тақозо этди. Бироқ мазкур йўналишнинг мавқеи масаласи анча баҳсталаб ва мунозарали. Бир гуруҳ олимлар тил ва дин ўртасидаги алоқадорлик муаммосини анъанавий лингвистик йўналишлар доирасида тадқиқ қилмоқда, бошқа бир гуруҳ олимлар эса мазкур муаммонинг мураккаблиги, мунозаралилиги ва кўп аспектлигини ҳисобга олиб, тил ва дин ўртасидаги муносабатни тил ва тил фаолияти иерархиясининг барча сатҳларида ўрганишни назарда тутувчи алоҳида лингвистик йўналиш – теолингвистикага ажратиш зарурлигини таъкидламоқда.

Маълумки, дин этнос маданияти ва ижтимоий тафаккурнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ижтимоий онгнинг энг дастлабки шаклларидан бири бўлган дин муайян халқ маънавий ва маданий қадриятларини белгилаган ҳолда унинг ижтимоий ва маданий хаёт тарзига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатган ва кўрсатиб келмоқда. Шу боис ҳам тарихан «...юритимиз заминидан ... минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-

авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади<sup>1</sup>. Таъкидлаш жоизки, тил ва дин ўртасидаги муносабат масаласи, аҳамиятли бўлишига қарамасдан, кам ўрганилган. Бу кўп қиррали соҳага доир фундаментал ишлар амалга оширилган эмас. Бизнинг фикримизча, «тил – маданият – дин» муносабати муаммосига бағишланган мажмуавий тадқиқот ушбуилмий муаммони лингвистиканинг янги фанлараро йўналишлари: когнитив лингвистика, лингвокультурология, лингвоконцептология, матн лингвистикаси кабилар доирасида кўриб чиқиши; теолингвистиканинг назарий ҳамда эмпирик асосларини ишлаб чиқиши; дунёнинг диний тасвири (ДДТ) ва унинг дунё лисоний тасвиридаги (ДЛТ) инъикосининг когнитив ва маданий аҳамиятини аниқлаш; турли маданий, фалсафий, теологик, ижтимоий, психологик ва бошқа экстравингвистик омилларни инобатга олган ҳолда тилни ўрганишга доир фанлараро ҳамда холистик (яхлит) ёндашувларни қўллашзаруратини тақозо этади.

Мазкур диссертацион тадқиқот, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон фармоннинг 4.4. «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» ва 5.1. «Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар» бандлари, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари»устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи<sup>2</sup>.** Тил ва дин ўртасидаги муносабатларни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University, Oxford University, University

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [http://www.aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017?phrase\\_id=5344028](http://www.aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017?phrase_id=5344028)

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотларнинг шархи [www.edu.uz](http://www.edu.uz); [academia.edu](http://academia.edu); [philology.ru](http://philology.ru); [internauka.ru](http://internauka.ru); [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru); [doi.org](http://doi.org); [ziyonet.uz](http://ziyonet.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

of Birmingham, Lancaster University, University of Edinburgh (Буюк Британия), Université libre de Bruxelles (Бельгия), Opole University (Польша); University of Belgrade (Сербия), State University of Ceará (Бразилия), Vrije Universiteit Brussel (Бельгия), University of Toronto (Канада); University of Copenhagen (Дания), Ohio State University (АҚШ), Москва давлат лингвистика университети, Москва давлат педагогика университети, Россия академияси тилшунослик институти, В.И. Вернадский номидаги Таврия миллий университети (Россия), Белорус давлат университети (Белоруссия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида тил ва дин муносабатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: христианлик, ислом, буддизм динлари сакрал китоблар матнларининг семантик, адабий ва лингвистик хусусиятлари қланган (Cambridge University, Oxford University, University of Birmingham, Буюк Британия); тил ва дин турли аспектларда ўзаро муносабатга киришиши асосланган (Lancaster University, Буюк Британия; State University of Ceará, Бразилия; Москва давлат лингвистика университети, Россия; Белорус давлат университети, Белоруссия); Инжил ва Таврот матнларининг қиёсий тахлили амалга оширилган (Ohio State University, АҚШ), диний китоблар тилининг стилистик хусусиятлари аниқланган (Universität Würzburg, Германия; Opole University, Польша; University of Belgrade, Сербия), диний дискурснинг хусусиятлари ва вазифалари белгиланган (Université libre de Bruxelles, Бельгия; Москва давлат лингвистика университети), диний нутқ социолингвистик аспектлари кўрилган (University of Toronto, Канада); диний китоблар ёзилган қадимий тиллар хусусиятлари ёритилган (грек, арамей, араб, санскрит) (University of Copenhagen, Дания; University of Edinburgh, Шотландия), диний матлардаги метафорик моделлар аниқланган (Vrije Universiteit Brussel (Бельгия), University of Bern, Швейцария); диний китоблар яратилган тиллар ва уларнинг инглиз тилидаги вариантлари солиштирилган (Cambridge University, Oxford University, Буюк Британия); диний коммуникация хусусиятлари ёритилган (Москва давлат педагогика университети, Россия), дин ва тилнинг ўзаро боғлиқлиги холистик назария нуқтаи назаридан асосланган (Россия фанлар академияси қошидаги тилшунослик институти, Россия), диний онгнинг дунё лисоний тасвирида акс этиши аниқланган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети).

Жаҳон тилшунослигида тил ва дин муносабатларини ўрганувчи теолингвистика бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда: диний маркерланган концептлар вербаллашуви; сакрал китоблардаги матнларнинг прецедентлик ва интертекстуаллик жиҳатдан аҳамияти; диний маркерланган лингвистик бирликларнинг когнитив ва лингвокультурологик аспектлари; диний тилнинг диний ва дунёвий жамиятдаги функциялари; диний тилнинг коммуникатив ва дискурсив хусусиялари; диний матнларнинг жанрга кўра таснифи ва

стилистик хусусиятлари; диний маркерланган лисоний бирликларнинг қиёсий тадқиқи; диний омилларнинг ёзма ва оғзаки нутққа тасири; турли матнларда диний-мифологик онгнинг акс этиши.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Лисоний бирликларни фанлараро ва антропоцентрик ёндашув жиҳатдан тадқиқ этиш муаммоси бир қатор олимларнинг ишларида кўтарилиган<sup>3</sup>, шу жумладан Н.Ф. Алефиренко, Н.Д. Арутюнова, Д.У. Ашурова, Н.Н. Болдырев, А. Вежбицкая, Н.М. Джусупов, Е.С. Кубрякова, Дж. Лакофф, Н.М. Махмудов, А.Э. Маматов, В.А. Маслова, А. Нурмонов, М.И. Расулова, Ш.С. Сафаров, Ю.С. Степанов, В.Н. Телия, Д.С. Худойберганова, М. Ҳакимов, Ф.М. Ҳошимовва бошқалар.

Теолингвистика бўйича тадқиқотлар, асосан, европалик олимларнинг ишларида христиан дини асосида амалга оширилган бўлиб, христиан дини ва коммуникациясининг ўзига хосликларини ўрганишга бағишлиланган. Назаримизда, замонавий тилшуносликда тил ва диннинг ўзаро муносабати масаласига доир илмий тадқиқотларни икки йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш функционал стилистика нуқтаи назаридан амалга оширилади ва диний услугуб, диний жанрлар: хутба, вазъ, дуолар, диний мадхиялар вамаросимлар тили (литургия, чўқинтириш, мойлаш), турли дуолар ва ҳоказоларнинг ўзига хослигини ўрганади (D. Crystal, L.Boeve, L.Feyarts, D. Beńkowska, M. Karpluk, J. Sambor, J. Mistrik, О.А. Прохватилова, Л.П. Крысин)<sup>4</sup>; коммуникатив ёндашув нуқтаи назаридан эса диндорлар тили ва диний китоблар тадқиқига, жумладан, дин тили, клир ва диндорлар

<sup>3</sup> Алефиренко Н.Ф. Современные проблемы о языке. –М.: Флинта: Наука, 2005. – 416 с.; Арутюнова Н. Д. Язык и мир человека, 2-е изд. испр. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 896 с.; Ашурова Д.У. Стилистика в свете когнитивной теории языка//Ўзбекистонда хорижий тиллар/Илмий методик электрон журнал. –Т., 2018. –№2 (21). – С. 104-110; Болдырев Н. Н. Когнитивная семантика. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г. Р. Державина, 2001. – 123 с.; Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. –М.: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.; Джусупов Н. М. Лингвокогнитивный аспект исследования символа в художественном тексте. Автореф. дис...канд.филол.н. – Т.: 2006. – 29 с.; Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке. Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира/Рос. академия наук. Ин-т языкознания. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – 560 с.; LakoffG., JohnsonM. MetaphorsWeLiveBy. – Chicago: UniversityofChicagoPress, 1980. – 242 р.; Махмудов Н.М. Тилнинг мукаммал тадқиқи ўйларини излаб... //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. -№5. –Б.3-16; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада?//Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2012. –Б.212-220; Маслова В. А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2007. – 208 с.; А. Нурмонов. Имманентликдан когнитивликка//Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. -№6. – Б.104-107; Расулова М. И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Т.: Фан, 2005. – 267 с.; Сафаров Ш. С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: - Санззор нашиёти, 2006; Степанов Ю. С. Константы: Словарь русской культуры. – М.: Академический Проект, 2004; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М., 1996. - 286 с.; Худойберганова Д.С. Антропоцентрическое толкование художественных текстов в узбекском языке: Автореф.дисс..д-ра филол. наук. – Тошкент, 2015. – 80 с.; Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистики асослари. – Т.: Академнашр, 2013. – 176 с.; Ҳошимов Г.М. К теории концептов и их таксономии в когнитивной лингвистике//Систем-структур тилшунослик муаммолари. – Самарқанд, 2010. –Б.68-78.

<sup>4</sup> Crystal D. A liturgical language in a sociolinguistic perspective/Language and the worship of the Church/D. Jasper and R.C.D. Jasper. (eds.). – Basingstoke: Macmillan, 1990. – P.120-46; Boeve L. Feyaerts K. Metaphor and God-talk. (Religions and Discourse Series. Vol 2). – Frankfurt: Peter Lang. 1999. – 291 p; Beńkowska D. Polski styl biblijny. – Lódź: Archidiecezjalne Wydawnictwo Lódzkie, 2002. – 160 s.; Karpluk M., Sambor, J. (red.). O języku religijnym. Zagadnienia wybrane. Lublin: Redakcja Wydawnictw KUL, 1988. – 170 s.; Mistrik J. Religiozny styl/Stylistyka I. – Opole: УО, 1992. –S. 82-89; КрысинЛ.П. Ободной лакунев системе функциональных стилей современного русского языка//Русский язык в школе. – Москва. – № 3. 1994. – С. 69–79; Прохватилова О. А. Православная проповедь и молитва как феномен современной звучащей речи. – Волгоград: Издательство Волгоградского государственного университета, 1999. – 364 с.

тилиниг дискурсив тавсифини ўрганишга<sup>5</sup> бағишенгандан (J.P. Noppen, W.P. Alston, R.Bisschops, J.Francis, N.Heather, Е.В. Бобырева, И.В. Бугаева). Биринчи йұналиш доирасыда амалға оширилған күплаб ишлар Библия ва бошқа христиан дини адабиётлари матни материалы асосида бажарылған. Иккінчи, энди шакланаётған ва ушбу тадқиқтада амалға оширилаётған йұналиш дунё диний тасвирининг вербаллашув хусусиятларини ўрганишга қаратылған. Мазкур йұналиш биринчи йұналишга қараганда кам ўрганилған. Тил ва диннинг ўзаро муносабатини фразеология, лексика, интертекстуаллик назарияси, лингвоконцептология, лингвокультурология, матн лингвистикаси сингари алоҳида аспектларда ёритувчи тадқиқтлар мавжуд (К.Н. Дубровина, А.В. Кремнева, Т.Н. Бурмистрова, Н.О. Косицьна, А.П. Корнеева)<sup>6</sup>. Рес тильтунослигидә тил ва диннинг ўзаро муносабатини олам яхлитлиги концепцияси доирасыда фалсафий англашга бағишенгандар ишлар ҳам мавжуд (В.А. Постовалова, В.А. Степаненко).<sup>7</sup>

Теолингвистиканы мустақил лингвистик фан сифатида эътироф этиш масалалари D.Crystal, E. Kucharska-Dreiss, A.K. Гадомскийнинг мақолаларида<sup>8</sup> ўртага ташланған. Тил ва дин ўртасидаги муносабатни ўрганиш борасыда Н.Б.Мечковскаянинг «Язык и религия» («Тил ва дин») китоби<sup>9</sup> муайян аҳамиятта эга. Гарчи муаллиф ўз ишида «теолингвистика» терминини қўлламасада, унда кўриб чиқилған муаммолар: тил ва дин тушунчалари муносабати, тилга нисбатан фидеистик муносабат ва диний китоблар тилиниг сакраллашуви (муқаддаслашуви) кабилар теолингвистиканинг вазифаларига бевосита алоқадор.

<sup>5</sup>Noppen J.P. Transforming words: the early Methodist revival from a discourse perspective. – Frankfurt: Peter Lang, 1999. – 428 p.; Alston W. P. Religious Language//The Oxford Handbook of Philosophy of Religion. Ed. William J. Wainwright. Oxford: Oxford University Press, 2005. – P. 220-244; Bisschops R. Francis J. Metaphor, canon and community: Jewish, Christian and Islamic approaches. (Religions and Discourse Series. Vol 1). 1999. – Frankfurt: Peter Lang. – 307 p.; Heather N. Religious language and critical discourse analysis: ideology and identity in Christian discourse today. – Frankfurt: Peter Lang. 2000. –319 p.; Бобырева Е.В. Религиозный дискурс: ценности, жанры, стратегии (на материале православного вероучения). Автореф. дис... д-ра. филол. наук. – Волгоград, 2007. – 37 с.; Бугаева И.В. Язык православной сферы: современное состояние, тенденция развития. Автореф. дис... д-ра. филол. наук. – М., 2010. – 48 с.

<sup>6</sup>Дубровина К.Н. Библейские фразеологизмы в русской и европейской культуре. –М.: Флинта-Наука, 2012. -264 с.; Кремнева А.В. Функционирование библейского мифа как прецедентного текста (на материале произведений Джона Стейнбека): Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Барнаул, 1999. –23 с.; Бурмистрова Т. Н. Сакральная фитонимия: лингвокультурологический аспект: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2008. – 17 с.; Косицьна Н.О. Лексика религиозной культуры в идиолекте А.А. Фета. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Курск, 2011. – 21 с.; Корнеева А.П. Английские фразеологические единицы библейского происхождения в языке и речи: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2009. – 18 с.

<sup>7</sup>Постовалова В.И. Теолингвистика в современном гуманитарном познании: источники, основные идеи и направления // Научно-педагогический журнал Восточной Сибири MagisterDixit. 2012. -№4. –С. 56–103.<http://md.islu.ru>; Степаненко В.А. Слово/Логос/Имя – имена – концепт – слова: сравнительно-типологический анализ концепта «Душа. Seele.Soul» (на материале русского, немецкого и английского языков): Автореф. дисс...д-ра. филол. наук. Иркутск, 2006. – 34 с.

<sup>8</sup>Crystal D. Whatever happened to Theolinguistics?// Religious language, metaphor and the mind. Paul Chilton and Monika Kopytowska (eds).–New-York: Oxford University Press, 2018. – P. 3-18; Kucharska-Dreiss E. Teolinguistyka – próba popularyzacji terminu//Język religijny dawniej i dziś, red. S. Mikołajczak, TWęclawski, -Poznań, 2004. S. 23-30; Гадомский А.К. О лакунах в системе лингвистической науки: проблема взаимодействия языка и религии//Культура народов Причерноморья. – Симферополь, –Т.1. –Вып.49., 2004. –С.164–166.

<sup>9</sup>Мечковская Н.Б. Язык и религия. – М.: Агентство «ФАИР», 1998. –352 с.

Ўзбек олимлари<sup>10</sup> томонидан ҳам тил ва дин муносабатини ўрганишга уринишлар амалга оширилмоқда. Ш.С. Сирожиддиновнинг машхур ўзбек мумтоз адилари ижодида фалсафий-диний концепция ва тушунчалар ифодаси масалаларига бағишлиланган илмий ишлари, М.Э.Умархўжаевнинг диний услуг ҳақидаги илмий мақолалари ва диний терминларнинг қисқача луғати, шунингдек, диний матнларда экзотик лексикани тадқиқ этишга қаратилган Н.М. Улуқовнинг диссертацион иши, Ш.Т. Махмараимованинг оламнинг миллий тасвирида теоморф метафоранинг когнитив аспектини ўрганишга бағишлиланган тадқиқоти бундан далолат беради.

**Тадқиқотнинг диссертациябажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг «Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишлари» муаммоси бўйича амалга оширилаётган истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги лингвистик йўналиш – теолингвистиканинг назарий ва эмпирик асослари, нуқтаи назарларини асослаш, дунёнинг диний тасвирини ифодаловчи тил бирликларини когнитив ва маданий талқини ҳамда шарҳини бериш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Кўйилган мақсад билан боғлик равища қуйидаги вазифалар белгиланди:

«тил – маданият – дин» учлиги муносабати муаммосининг лингвофалсафий асосларини кўриб чиқиш;

тил ва диннинг ўзаро таъсири муаммоси тадқиқига доир мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш;

янги лингвистик фан – теолингвистиканинг назарий ва эмпирик асосини кенгайтириш;

диний-мифологик маркерланган тил бирликлари (ДММТБ) ва концептларини аниқлаш ва таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

лексик, фразеологик, паремиологик бирликлар ва бадиий матнлар материали асосида дунё диний тасвири (ДДТ)нинг лисоний воқеланиши хусусиятларини аниқлаш;

ДДТнинг асосий қадриятлари ва концептларини аниқлаш, изоҳлаш ҳамда уларнинг вербаллашувини таҳлил қилиш;

бадиий матнлар асосида интертекстуаллик ва прецедентлик назариялари доирасида диний-мифологик илдизларга эга прецедент матнларнинг қўлланишини кўриб чиқиш;

<sup>10</sup> Сирожиддинов Ш.С. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.; Сирожиддинов Ш.С. Диний-фалсафий таълимотлар ва Навоий дунёқараши//Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти/Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 82–86; Умархўжаев М. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли луғат. – Тошкент, 2016. – 220 б.; Умархўжаев М. Тиллардаги диний услуг ҳақида мулоҳазалар//Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – 50–51 б.; Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси: Филол.фан.номзоди дисс... автореферати. – Тошкент, 1997; Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол. фанлари бўйича PhD диссертацияси. –Карши, 2018. -151 стр.

ДММТБларнинг бадиий матндағи когнитив-концептуал ҳамда маданий аҳамиятини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида мифологик ва диний характердаги билимлар тузилмаларини ифодаловчи лексик, фразеологик, паремиологик тил бирликлари ҳамда бадиий матн олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида диний-мифологик тафаккурни дунёнинг лисоний тасвирида акс эттирувчи тил бирликларининг когнитив-концептуал ва лингвомаданий моҳиятини асослаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришдағанлараро ёндашувдан фойдаланилган бўлиб, у анъанавий методлар билан бир қаторда янги таҳлил методларини ҳам ўз ичига олган, хусусан, идентификация, тавсифий, этиология таҳлил, контекстуал таҳлил, интертекстуал таҳлил, қиёсий-чоғиштирма, когнитив моделлаштириш, оппозициялар, когнитив харита тузиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

теолингвистикада диний тил ва матнларнинг лингвистик хусусиятларини рганувчи ҳамда диний дунё тасвирини умумадабий тилда акс этишини ўрганувчи иккита асосий йўналиш ажратиб берилган;

диний-мифологик маркерланган лексик, фразеологик, паремиологик бирликлар ёритилганва уларнинг тил ва нутқда қўлланишига таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар очиб берилган;

диний-мифологик маркерланган тил бирликларининг этиология ва мавзуй таснифлари ишлаб чиқилиб, уларнинг дунё лисоний тасвири шаклланишида когнитив-концептуал, маданий ва рамзий аҳамияти далилланган;

бинарлик тамойилини диний дунё тасвирини категориялаш когнитив тамойили сифатида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқлиги асосланган ва унинг асосида диний концептлар қўрилишининг моделлари ҳамда уларни вербаллаштирувчи лисоний воситалар аниқланган;

диний-мифологик концептларнинг мажмуаси аниқланиб уларни бинарлик, универсаллик ва дифференциаллик, аксиологик аҳамияти, ядро ва периферия бўйича таснифлаш тамойиллари ишлаб чиқилган ва ушбу концептларнинг бадиий матнда вербаллашув усуслари ёритилган;

тил ва дин муносабати, дунё диний тасвирининг тилда акс этишини ўрганишга қаратилган теолингвистикани мустақил фанлараро лингвистик йўналиш сифатида эътироф этиш мумкинлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дунёнинг лисоний диний тасвирини тадқиқ этиш диннинг чин инсонпарварлик моҳиятини маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида ёритиш, диний-маърифий таълим сифатини ошириш, «жаҳолатга қарши маърифат» тамойили асосида диний бағрикенглик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга ёрдам беради;

ўтказилган тадқиқот натижалари нафақат тилшунослик, балки диний, маданий ва фалсафий фанлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади;

фанлараро ва ёндашув асосида ишлаб чиқилган ДММТБни комплекс таҳлил қилиш методикаси универсал характерга эга бўлиб, турли тиллар материалида бошқа лексик таг тизимларни таҳлил қилиш имкониятини беради;

ишнинг натижалари теолингвистика (тил ва диннинг ўзаро муносабати ва таъсири, диний-мифологик онг, тафаккурнинг дунё лисоний тасвирида акс этиши), когнитив лингвистика (концептлар назарияси, тил бирликларини категориялаш ва концептуаллаштириш масалалари), лингвокультурология (дунёнинг лисоний тасвири, миллий-маданий хусусият масалалари), матн лингвистикаси (интертекстуаллик ва прецедентлик назариялари), тил назарияси (тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва жамият муносабатлари масалалари) ривожига муайян ҳисса қўшади.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги** замонавий тилшуносликда фойдаланиладиган ёндашув ва методларнинг қўлланганлиги, тилшуносликда амалга оширилган тадқиқотларга танқидий муносабат билдирилгани, замонавий тилшуносликдаги асос сифатида хизмат қилувчи илмий-назарий хulosалар, катта ҳажмда таҳлилга тортилган инглиз, ўзбек ва рус тилларидағи фактологик материаллар, тадқиқот натижаларининг ишнинг назарий жиҳатларига мослиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижалари теолингвистиканинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланиши ва ривожланишига, тил бирликларини тадқиқ этишда теомарказий ёндашувнинг такомиллашувига, шунингдек, унинг категориал-тушунчавий аппарати белгиланишига муайян ҳисса қўшади. Ишда қўлланилган фанлараро ёндашув тилни максимал кенг ҳажмдаги контекстда лисоний ҳамда нолисоний омилларни хисобга олган ҳолда ўрганиш, уни турли типдаги билим тузилмалари, жумладан, диний ва мифологик билим тузилмаларини репрезентациялаш, сақлаш ва етказиш воситаси сифатида кўриб чиқишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosалар чиқариш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллариданолий ўқув юртлари учун «Умумий тилшунослик», «Тил фалсафаси», «Когнитив тилшунослик», «Матн стилистикаси ва интерпретацияси», «Матн лингвистикаси», «Лингвомаданиятшунослик» «Диншунослик» фанлари бўйича маъruzалар ўқиш, семинар машгулотларини ташкил этиш, диссертациялар ёзиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, лугатлар тузиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши бўйичаолинган илмий натижалар асосида:

диний-мифологик лексика ва терминологиянинг умумий лисоний мақомини аниқлашда ҳамда уни таснифлаш имкониятларининг янгича талқинига оид назарий хulosалар ФА-Ф1-Г041 «Ўзбек тили лексикаси ва

терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил, 16 майдаги 3/1255-1469 маълумотномалари). Натижада ушбу лойиҳа доирасида яратилган «Ижтимоий-сиёсий терминларнинг қисқача изоҳли луғати»дашундай тил бирликлар изоҳини такомиллаштиришга хизмат қилган;

инглиз, ўзбек ва рус тилларидағи лексик ва фразеологик бирликларнинг ифодаланиш усуллари, уларнинг тиллараро деривацион муносабатлари ва семантик маъно ўзгариш масалалари, ҳамда уларнинг бадиий матндақўшимча маъно ортиришига оид назарий маълумотлар ва мисоллардан ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 89-03-3521-сон). Натижада, лойиҳа бўйича тайёрланган дарслик, ўқув-услубий мажмua, электрон ресурслар мазмунини бойитиш имконини берган;

лингвистик таҳлил методлари (концептуал таҳлил, когнитив моделлаштириш, интертекстуал таҳлил), лисоний ва миллий дунё тасвир тушунчаси, инглиз тилидаги маданий, интертекстуаллик назарияси ва аллюзиянинг бадиий матндаги моҳияти, турли билим тузилмаларининг бадиий матнда акс этиши ва уларни таҳлил этиш методлари И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 89-03-3521-сон). Натижада, тилшунослик фанлари бўйича яратилган виртуал ресурслар (маъруза матнлари, электрон дарсликлар) мазмунига сингдирилган;

тадқиқотда келтирилган диний-мифологик буёқдорликга эга лексика, фразеологик бирликлар, мақоллар ва аллюзиялар ва уларнинг инглиз, ўзбек ва рус тилларидағи эквивалентлари ИТД-1-119 рақамли «Ўзбек антологияси»ни инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари» амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 89-03-3521-сон). Натижада, тадқиқот амалий материаллари ўзбек мумтоз адабиётини инглиз тилига таржима қилишга хизмат қилган;

бадиий матндаги интертекстуаллик ва прецедентлик назариялари, билим тузилмалари тушунчаси ва уларни бадиий матнда вербаллаштирувчи аллюзия ва унинг тадқиқотда аникланган турлари хусусида илгари сурилган қарашлар ва назарий хулосалардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил

12 декабрдаги 89-03-3521-сон). Натижада, яратилган аудиомаълумотлар тўплами мазмуни бойитилган;

тадқиқотда тил, дин ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати хусусидаги назарий таклифлар ва амалий материаллардан «O'zbekiston» телеканалида тайёрланиб эфирга узатилган «Тил – миллат кўзгуси», «Хидоят сари», «Муқаддас қадамжолар» кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02-13-1789-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур кўрсатувлар оммабоплиги ва илмийлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 2та халқаро, 2та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 8таси республика ва 5таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 266 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Теолингвистика асослари. Тил, маданият ва диннинг ўзаро муносабати»** деб номланган биринчи бобида тил ва диннинг ўзаро муносабати ҳамда таъсири тадқиқига доир турли ёндашувлар, теолингвистиканинг ривожланиш тарихи ва унинг асосий муаммолари, шунингдек, «тил – маданият – дин» тарзидаги ўзига хос учликнинг тарихий муносабатлари, диннинг маданиятга ва тилшуносликнинг алоҳида фан сифатида шаклланишига таъсири масалалари кўриб чиқилган.

Турли лингвомаданият вакиллари дунёкарашининг шаклланишида асосий омиллардан бири бўлган диний-мифологик омилни ҳисобга олмасдан тилни мукаммал тадқиқ қилиб бўлмайди. Дин илдизлари тарихнинг энг қадимги даврларига бориб тақалган ва у борлиқнинг одамлар томонидан

мифологик англаниши натижасида вужудга келган жамоавий (ижтимоий) онгнинг асосий шаклларидан биридир. Жаҳон маданиятида диний омиллар асосида фарқланувчи, аксиологик қадриятлар тизимиға эга бир неча мақромаданиятлар (христиан, мусулмон, буддавийлик, ҳиндуйй)нинг шаклланганлиги бунинг яққол исботидир.

Дин маданиятнинг ажралмас қисми сифатида унинг барча ифода шакллари, жумладан, архитектура (пирамидалар, масжидлар, черковлар), ҳайкалтарошлиқ (Будда, олимпия, индуистик ва бошқа худоларнинг ҳайкаллари), тасвирий санъат (Микеланджело, Рембрандт, да Винчи картиналари), мусиқа (Моцартнинг «Реквием», Шубертнинг «Аве Мария»), фан (герменевтика, экзегетика, фалсафа, маданиятшунослик), адабиёт (Данте, «Илоҳий комедия»; М.А.Булгаков, «Уста ва Маргарита»; А.Орипов, «Одам ва Шайтон қиссаси» ва бошқалар), этика (этиケット, мурожаат шакллари), эстетика (хулқ-атвор, анъана, удум ва маросимлар), кинематография (Страсти Христовы, 2004; Одиссеяй, 1997) кабиларга таъсир кўрсатади.

Дин ва маданият ўртасидаги узвий муносабат диннинг ҳам маданият сингари инсон ҳаётий фаолиятининг деярли барча жабҳалари: майший, ижтимоий, ижтимоий-сиёсий, маданий, психологик каби соҳаларга сингиб кетган маънавий қадриятлар тизимида алоҳида ўринга эгалиги билан изоҳланади. Шунга мувофиқ дин у ёки бу ҳалқнинг дунёни ўзига хос қабул қилиш тарзи, маънавий онги, маънавий қадриятларини намоён этувчи оламнинг ўзига хос моделига айланади ва ўзида дунёning диний тасвирини (ДДТ) шакллантиради. ДДТ деганда «тарихан ҳалқнинг дунёқараши ва миллий-маданий ўзлигини шакллантирган, диний билимларга асосланган маънавий қадриятлар мажмуасидан иборат когнитив структура»<sup>11</sup> тушунилади. ДДТнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у нафақат диний ақидалар, балки миллий дунёқараш таъсирида ҳам шаклланади. ДДТ тил воситалари орқали вербаллашиб, ҳалқнинг маданий мероси, дунё концептуал ва лисоний тасвирининг ажралмас қисмига айланади. Зоро, у бир томондан миллий дунёқарашнинг шаклланишига, иккинчи томондан эса бутун тил тизимиға моделлаштирувчи таъсир кўрсатади.

Кўплаб динларнинг тарқалиши асосий коммуникация воситаси бўлган тил ёрдамисиз имконсиз бўларди. Тил ва диннинг ўзаро муносабати лингвистик тадқиқотлар тарихининг барча даврларида кузатилади (Панинининг саккиз китоби, Араб тилшунослиги, Пар-Рояль грамматикаси, классик ва сом филологияси, экзегетика ва герменевтика, лексикография ва таржимашуносликнинг пайдо бўлиши). Мазкур тадқиқотларнинг вужудга келишига диний эҳтиёжлар, хусусан: 1) муқаддас диний китоблардаги ўлик тиллар ва тирик тиллар ўртасидаги фарқларни тушунириш зарурати; 2) динлар турли мамлакатларда тарқалиши учун муқаддас диний китобларни таржима ва талқин қилиш эҳтиёжи; 3) ибодат тилларининг муайян дин

<sup>11</sup>Бугаева И.В. Язык православной сферы: современное состояние, тенденция развития. Автореф. дисс... д-ра филол.наук. – М., 2010. – С.15.

тарқалған ҳудудда асosий тил сифатида ишлатилиши (*веда, авесто, араб, грек, лотин, вэнъян, қадимги славян*) сабаб бўлган.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсан холда айтиш мумкинки, теолингвистикавужудга келиши тил ва дин ўртасидаги муносабатни тадқиқ этиш аҳамиятини англашнинг мантиқий натижаси сифатида юзага келган бўлиб, айни вақтда бу муаммо бир неча ёндашувлар нуқтаи назаридан ўрганилмоқда.

Ушбу ёндашувлар орасида диний тилни ўрганишга доир функционал-услубий ва коммуникатив-дискурсив ёндашувлар кўпроқ тадқиқ қилингандар бўлиб, уларда диний услугнинг ўзига хосликлари ва жанрлар дифференциацияси, диний тил ва диний коммуникациянинг дискурсив тавсифи ўрганилган<sup>12</sup>.

Бу ўринда, тил ва дин ўртасидаги муносабатни ўрганишга доир терминологик турли-туманликни ҳам қайд этиш лозим: диний тил<sup>13</sup>, сакрал тил<sup>14</sup>, эътиқод тили<sup>15</sup>, ибодат тили<sup>16</sup>, диний-хатиблик услуби<sup>17</sup>, диний услуг<sup>18</sup>, черков-диний услуби<sup>19</sup>, библия услуби<sup>20</sup>, конфессионал услуб<sup>21</sup>, руҳий нутқ<sup>22</sup>, диний коммуникация, православ лингвистикаси<sup>23</sup>, религиолект<sup>24</sup>, теолингвистика<sup>25</sup>.

Назаримизда, ушбу терминлар орасида теолингвистика термини нисбатан мақбулроқ бўлиб, қўйидагилар билан шартланган: 1) теология ва лингвистика ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи фан номининг

<sup>12</sup>Heather N. Religious language and critical discourse analysis: ideology and identity in Christian discourse today. – Frankfurt: Peter Lang. 2000. –319 p.; Noppen J.P. Transforming words: the early Methodist revival from a discourse perspective. – Frankfurt: Peter Lang, 1999. – 428 p.; Чевела О.В. Герменевтика литературы: историко-лингвистическое исследование: Автореф. дис... д-ра филол. наук. 2010. –50 с.; Бобырева Е.В. Религиозный дискурс: ценности, жанры, стратегии (на материале православного вероучения): Автореф. дисс... д-ра филол. наук – Волгоград, 2007. – 37 с. и др.

<sup>13</sup>Alston W.P. «Religious Language.» In The Oxford Handbook of Philosophy of Religion. Ed. William J.Wainwright. Oxford: Oxford University Press, 2005. – P. 220–244

<sup>14</sup> Karpluk M., Sambor, J. (red.). O języku religijnym. Zagadnienia wybrane. – Lublin: Redakcja Wydawnictw KUL, 1988. – 170 s.

<sup>15</sup>Gazalles H., Deiforme J. Język wiary w prisme świętym I świecie współczesnym. – Warszawa, 1975. – 176 s.

<sup>16</sup>Кончаревич К. Дискуссии о богослужебном языке в Сербской Православной Церкви: исторический обзор и современное состояние// Церковь и время, 2004. – № 1 (26). – С. 29-52.

<sup>17</sup>Крысин Л.П. Религиозно-проповеднический стиль и его место в функционально-стилистической парадигме современного русского литературного языка//Поэтика. Стилистика. Язык и культура. Памяти Т.Г. Винокур. –М., 1996. – С.135-138.

<sup>18</sup>Wojtak M. Styl religijny w perspektywie genealogicznej. – W: Język religijny dawniej i dziś, red. Mikołajczak S., Wieclawski T. – Poznań: Wydawnictwo Naukowe Uniwersytetu Adama Mickiewicza, 2004. – S. 104–117.

<sup>19</sup>Крылова О.А. Церковно-религиозный стиль//Стилистический энциклопедический словарь русского языка / Под ред. М. Н. Кожиной. – М.: Флинта: Наука, 2003. – С. 612–616.

<sup>20</sup>BeńkowskaD. Polskistylbiblijny. – Łódź: Archidiecezjalne Wydawnictwo Łódzkie, 2002. – 160 s.

<sup>21</sup>Шевченко, Л. Л. Конфесійний стиль//Українська мова: енциклопедія. – Київ: «Українська енциклопедія» им. М. П. Бажана, 2000. – С. 252–253.

<sup>22</sup>Волков А. А. Курс русской риторики. – М.: Изд-во храма святой мученицы Татианы, 2001. – С. 287–288.

<sup>23</sup>Чевела О.В. Герменевтика литературы: историко-лингвистическое исследование: Автореф. дис... д-ра филол. наук, 2010. – Казань: –50 с.

<sup>24</sup>Бугаева И.В. Язык православной сферы: современное состояние, тенденция развития. Автореф. дис... д-ра филол. наук. – М.2010. – 48 с.


<sup>25</sup>Crystall D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics / D.Crystal. – Harmondsworth: Penguin Books, 2003. – 508 p.; Kucharska-Dreiss E. Teolinguistyka – próba popularyzacji terminu, [w:] Język religijny dawniej i dziś, red. S. Mikołajczak, TWęclawski, Poznań, 2004. -S. 23-30.

терминологик мувофиқлиги ва лингвистик тадқиқотларнинг йўналишини аниқ белгилаб бера олиши; 2) терминнинг универсаллиги, зеро, унда муайян бир аниқ дин ёки конфессияга мансублик маъноси мавжуд эмас (таққосланг: православ лингвистикаси, православ-христиан теолингвистикаси); 3) терминда услубий ва жанрга хос чегаралганликнинг мавжуд эмаслиги (таққосланг: диний-хатиблик услуби, диний тил, ибодат тили, диний услуг, Библия услуби).

Дин ва тил муносабатини ўрганган турли хил ёндашувлар таҳлили жараёнида биз шундай хуносага келдикки, барча тадқиқотлар фақатгина диний коммуникация ва сакрал матнларда қўлланувчи «диний тил» масалаларини ёритишга йўналтирилган, яъни уларнинг барчасида диний тилнинг фонетик, грамматик, лексик, стилистик хусусиятлари ўрганилган. Бундан ташқари, ушбу тадқиқотлар диний матнлар, асосан, христиан динига мансуб матнлар асосида бажарилган. Лекин дунёнинг диний тасвири фақат диний мулоқот билангина чегараланмайди, чунки у тил тизимида ҳам, диний характерга эга бўлмаган (бадиий, публицистик, газета, институционал) матнларда ҳам, кундалик мулоқотда ҳам ўз аксини топади.

Шунга мувофиқ теолингвистиканинг иккинчи бир йўналиши, яъни турли тил бирликлари воситасида дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этишини тадқиқ этувчи йўналишни ажратиш зарурати вужудга келади. Теолингвистиканинг мазкур йўналиши адабиётларда қисман, фрагментар тарзда ёритилган бўлиб, ушбу ҳолат қўйидаги сабаблар билан изоҳланади: 1) ўзаро турли тартибли билим соҳалари, яъни лингвистика ва теологиянинг ўзига хослигини ҳисобга олишни тақозо этувчи тадқиқот обьектининг мураккаб ва кўп аспектлилиги; 2) тил ва дин ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан доирасидаги тил бирликларини тадқиқ қилиш предмет ва обьект соҳасининг ноаниқлиги; 3) тил ва дин муносабати муаммосини ўрганишга йўналтирилган фан номинацияси ва мавқеининг аниқланмаганлиги; 4) тил ва динни ўрганишга йўналтирилган фан терминологик аппарати ва метатилининг турли-туманлиги.

Шундай қилиб, теолингвистика тилшуносликнинг мустақил бўлими сифатида икки йўналишни ўз ичига қамраб олади: а) диний тилнинг муқаддас матнлар ва диндорлар нутқи материали асосида ўрганилиши; б) дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккур акс этишининг ўзига хосликларини тадқиқ этиш. Тадқиқот давомида танланган иккинчи йўналиш нуқтаи назаридан тадқиқот анъанавий (қиёсий тилшуносликка, лексикология, услубият, грамматика) ҳамда янги фанлараро лингвистик фанлар (когнитив тилшунослик, лингвокультурология, прагмалингвистика) ютуқлари ва методлари асосида амалга оширилмоқда (1-расм).



**1-расм. Тил ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрганишга доир теолингвистикадаги ёндашувлар.**

Диссертациянинг «Дунё диний тасвирининг тилда воқеланиши» деб номланган иккинчи бобида ДММТБнинг лексик, фразеологик, паремиологик бирликлар асосида вербаллашув усуллари ва хусусиятлари кўриб чиқилди ва: а) денотатив-сигнификатив мансублик тамойилига кўра диний маркерланган лексика; б) таянч компонентининг денотатив-семантик мансублиги бўйича диний маркерланган фразеологик бирликлар (ДМФБ); в) этимологик ва мавзуй тамойилга кўра диний маркерланган паремиологик бирликлар таснифлари ишлаб чиқилди.

Тил материалининг теолингвистика нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши ДММТБ исталган тил тизимида турли сатҳдаги тил бирликлари орқали ифодаланишидан далолат беради.

Дунё диний тасвирининг лексик бирликлар даражасида вербаллашувини тадқиқ қилиш натижалари диний маркерланган лексиканинг пайдо бўлиши лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан шартланганлигини кўрсатди. Лингвистик омиллар сирасига қуидагилар киради: а) манба тилдан ўзлаштирилган (инглиз ва рус тилларига қадимги иврит тилидан, ўзбек тилига араб тилидан); б) муқаддас китоблар таржимасидан (Библиянинг грек, лотин, черков славян тилларига таржимаси). Экстралингвистик омиллар қуидаги омиллар билан шартланган: а) ўрганилаётган тил мамлакати худудида тарихан у ёки бу тилнинг етакчилиги (масалан, Британияда француз тилининг, Марказий Осиё мамлакатларида форс ёки рус тилларининг); б) диний, ибодат тилларининг муқаддаслашуви (масалан, араб тилида яратилган Қуръон тилининг муқаддас мавқеи).

Ислом, христианлик, буддавийлик, хиндуизм, зардуштийлик тушунчалари ва терминологиясини ифодаловчи диний маркерланган лексика таҳлили диний маркерланган лексикани денотатив-сигнификатив мансублик

тамойили бўйича таснифлаш имконини берди. Таҳлил натижасида ушбу тадқиқот давомида 6 та макромурух ажратилди ва улар ўз навбатида аксарияти барча динлар учун универсал бўлган ҳамда қўплаб тиллар лексикасида ўз ифодасини топган қуйидаги бир қатор кичик гурухлардан таркиб топган:

**I. Умумдиний лексика:** 1) яратувчи зот номлари: *God, Господь, Оллоҳ, Йахве, Зевс, Браhma, Ахура Мазда*; 2) яратувчи олий зотнинг сифатларини англатувчи номлар: *Almighty, Царь Небесный, Раҳим, Азиз, Яхве-Ирэ* (барча нарсани кўрувчи), *Бхагаван* (эзгуликлар асоси), *Сугата* (яхшиликда намоён бўлувчи); 3) диний-маънавий қадриятларни ифодаловчи тушунча номлари: *Mercy, Душа, Имон, Эдут* (аҳд), *Праджня* (доноликка етишув), *Нирвана* (озодлик); 4) муқаддас ёзувлар, китоблар, тўпламлар номлари: *Bible, Священное Писание, Куръон, Талмуд, Тхеравада, Веда, Авеста*; 5) имонсизлик ва динга қаршилик тушунчаларининг ифодаланиши: *agnosticism, язычество; буттарастлик, аккум* (юлдузларга сифиниш); 6) пайғамбарлар, авлиёлар, издошлар, диндорларнинг номини англатувчи турдош отлар: *apostle, мученик, сахоба, раввин, бодххисаттва* (будда даражасига етган инсон), *аватар* (илоҳнинг ердаги намояндаси); 7) диний рамзлар: *ярим ой, крест, дхармачакра* (қонун ғилдираги), *инъ-янъ* (уйғунлик), *менора* (етти шам), *фаравахр* (ёрқин шон-шараф); учлик (Посейдон), *тарози* (Фемида) ва ҳоказолар.

**II. Динлар, конфессиялар, таълимотлар ва ақидалар номлари:** 1) дин турлари номлари: *Islam, буддизм, христианство, зардушийлик*; 2) дин ва унинг йўналишлари ҳақидаги фан: *Theology, религиоведение, илоҳиёт, масаввуф, хинаяна*; 3) турли конфессиялар номлари: *Catholic, протестантизм, православие, суннийлик, махаяна, вишнуизм*; 4) диний қонунлар, ақидалар, таълимотлар: *Holy Trinity, Заповеди, Фарз, Эхад* (Худонинг яккалиги), *Карма* (ҳаракат ва ажр қонуни), *Хумат* (эзгу фикр); 5) диний-фалсафий ҳаракатлар, мактаблар, оқимлар, таълимот ва қарашлар: *Gnosticism, арианизм, сўфийлик, хасидизм, веданта*; 6) диний гурухлар, монахлик орденлари ва биродарликлари, диний секталар номлари: *Augustines, раскольники, қадарий, караим, шраман*.

**III. Ибодат тарзи характеридаги терминология:** 1) ибодатхона жиҳозлари, анжомлари, буюмлари: *altar, иконостас, меҳроб, сефер Тора* (Таврот ёзувлари), *ратха* (арава), *мандала* (борлиқ тасвири); 2) ибодатхона мажмуасига кирадиган бинолар, иншоотлар, иморатлар, қурилишларнинг меъморий турлари: *basilica, келья, масжид, минора, бейт-Яхве, шикхара* (Меру тогининг рамзи), *астодан* (сукут минораси); 3) конфессиялар ва уларнинг функциялари бўйича ибодатхона турлари: *anglican church, церковь-община, жума масжид, бейткнесет* (синагога); 4) диндорлар, руҳонийларнинг иерархияси ва фаолият турини ифодаловчи терминология: *Pope, епископ, имом, рабби, лама, брахман, асрон* (олов фариштаси), *мобед* (руҳонийлар бошлиғи); 5) диндорлар, руҳонийлар кийимлари ва бош

кийимларининг элементларини номловчи терминология: *robe, митра, салла, яктак, афудда, самхати* (мантия).

**IV. Диний маросимларни номловчи лексика:** 1) муқаддас маросимлар: *Confirmation, Крещение, Причащение, Суннат, Жаноза, Брат мила* (суннат); 2) дуо, ибодат, сифиниш турлари: *Ave Maria, утреня, Отче наш, бомдод, пешин, жума намози, минха* (кундузги ибодат), *мантра*; 3) диний рўзалар ва уларда амалга ошириладиган маросимлар: *Fast, Easter, Петров пост, разговены, рамазон, нафл-рўза, экадаши* (тўлин ой ва янги чиқсан ойнинг 11-куни), *панса* (покланиш учун уч ой); 4) диний байрамлар: *Easter, Christmas, Святки, Троица, Рамазон ҳайити, Йом-киппур* (тавба қилиш куни), *Дивали* (Лакшмига бағишлиланган ҳосилни йиғишиш куни), *Весак* (Будданинг паранирванага кетиши); 5) диний маросимлар, удумлар: *Beatification, освящение, пострижение, ақиқа, капорес* (тозаланиш маросими), *шраванам* (муқаддас китобларни ўқиши); 6) мурожаат, миннатдорчилик, табрик, кечирим каби турли этикет формулаларини ифодаловчи лексика: *God bless you, Бог в помощь!, Худо раҳмат қиласин, Шабат шалом;* 7) муқаддас ёдгорликлар, буюмлар, иншоотлар, субстанциялар номлари: *True Cross, святыеmoщи, иконы, Каъба, кисва (Каъба ётинчиги), арон а-брит (ахд араваси), сарира (тана қолдиқлари).*

**V. Умумдиний мавхум (ирреал) лексика:** 1) ўлимдан кейинги ҳаёт билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи лексика: *apocalypse, рай, ад, Қиёмат, арасат, шеол, брахмалока* (жаннатий оламлар), *нагалока* (дўзахий ёки ер ости дунёларининг мажмуаси); 2) моддий оламдан ташқаридаги эзгу мавжудотларнинг номлари: *angel, серафим, херувим, фаришта, адитъи, гандарв, малахим;* 3) моддий оламдан ташқаридаги ёвуз мавжудотларнинг номлари: *demon, дьявол, шайтон, дажжол, ракиас, асур, Азазель;* 4) мавхум (ирреал) тушунчалар номлари: *basilisk, купина неопалимая, левиафан, жин, яъжуж маъжууж, амрита* (худоларнинг мангалик ичимлиги), *локалап* (оламни асровчилар), *рефаим* (гигант).

**VI. Диний маркерланган антропоним ва топонимлар:** 1) пайғамбар ва валийлар исмлари: *Abraham – Авраам – Иброҳим – Аврахам, Moses – Моисей – Myso – Моше;* 2) фаришталар исмлари: *Gabriel – Гавриил – Жаброил, Michael – Михаил – Мекоил;* 3) азизлар исмлари (агиоантропонимлар): *St. Stephen, St. Patrick; св. Нина;* 4) диний арбоблар ва файласуфлар исмлари: *Bishop Augustine, Ал-Бухорий, Am-Термизий, раввин Авраам Шапира, Рамакришина;* 5) пайғамбарларнинг сафдошлари исмлари: *Иоанн Богослов, Андрей Первозванный; Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб;* 6) папалар исми: *St. Fabian, St. Dionysius;* 7) патриарх ва митрополитлар исмлари: *патриархи Иов, Никон; митрополиты Иоанн, Дионисий;* 8) рамзий маркерланган исмлар: *Samson – қудратли; Иуда – сотқин, иуда; Айюб – сабрлилик, Сулаймон – донолик;* 9) диний маркерланган топонимлар: *Babylon, Содом и Гоморра, Макка, Мадина, Иерусалим, Шравасти, Кайлаши тоги.*

Мазкур гурухларга кирувчи сўзларнинг барча дин ва тилларда универсал тарзда ифодаланганлигига қарамасдан, уларга кирувчи айrim кичик

гурухларда: 1) диний дунёқарашдаги тафовут; 2) қардош динларга мансублик билан шартланган фарқли белгилар кузатилади. Масалан, буддизм ва индуизмда имонсизлик ва коғирлик тушунчалари мавжуд эмас ва бу ўз навбатида шу динга сифинувчилар тилида уларни ифодаловчи лексиканинг мавжуд бўлмаслигини тақозо этади. «Пайғамбарлар исмлари», «Фаришталар исмлари» кичик гурухларининг лексик бойлиги барча монотеистик динлар: ислом, иудаизм, христианлик кабилар учун бир хил бўлиб, бу уларнинг авраамик динларга мансублиги билан изоҳланади. «Азизлар исмлари» «Папалар исмлари», «Патриарх ва митрополитлар исмлари» кичик гурухлари фақат христиан динига мансуб лексикага хос.

Ишда таянч компонентининг денотатив-семантик мансублиги тамойили бўйича диний маркерланган фразеологик бирликлар (ДМФБ) таҳлили амалга оширилиши натижасида қўйидаги компонентларга эга 17 та гурух аниқланган: 1) антропоним: *the brand of Cain*, беден как Лазарь; 2) топоним: *Sodom and Gomorrah*, Египетские казни; 3) зооним: *kill the fatted calf*, волк в овечьей шкуре; 4) соматизм: *feet of clay*, беречь как зеницу ока; 5) хрононим: *the Eleventh hour*, всемирный потоп; 6) фитоним: *a grain of mustard seed*, терновый венец; 7) этноним: *the law of the Medes and Persians*, добродетельный самаритянин; 8) палеоним: *cast the first stone at smb.*, камни возопиют; 9) библиявий реалиялар: *seven devils*, дары волхов; 10) теоним: *a man of Belial*, служить Христу и Маммоне; 11) рақам: *thirty pieces of silver*, семь смертных грехов; 12) давр белгисини сақловчи: *one's hour has come*, до скончания века; 13) фазо билан ассоциацияланувчи: *beyond the veil*, земля, где течет молоко и мед; 14) табиий оғатларни англатувчи: *go through fire and water*, огненное крещение; 15) ранг номи: *light shining in the darkness*, ад кромешный, тьма египетская; 16) «шахс» номи: *the Prince of Peace*, князь тьмы; 17) ундов сўз: *God bless you*, Худога шукур, не приведи Бог.

Ажратилган ДМФБнинг умумий хусусиятларига қўйидагилар киради: а) рамзий маркерланганлик; б) турли билим тузилмаларининг акс этиш хусусияти, асосан, диний, мифологик, маданий-тарихий характердаги билим тузилмалари; в) лисоний белгиларнинг бинар оппозитивлиги. Масалан, антропоним ёки топоним компонентли ДМФБнинг катта қисми рамзий аҳамиятга эга бўлиб, инсон онгига муайян маданий ахборотни фаоллаштиради: *Содом и Гоморра* – фахш, разолат, гуноҳ жойи; *Каинова печать* – лаънат, қарғиш; *Иов многострадальный* – сабр ва ҳоказо. Теоним компонентли кўплаб ДМФБ кейинчалик дўзах ва оламдаги инс-жинслар, иблисларга трансформацияланган қадимги семит худоларнинг исмларини ўз ичига олади: *Велиал* – фано, йўқлик, ёлғон, рўё, ҳалокат; *Мамона* – бойлик, ҳашамат, фирибгарлик; *Молох* – болалар қурбонликка берилган олий семит худоси.

Фазо билан ассоциацияланувчи, табиий оғатлар, ранг ва «шахс» номинацияси компонентларига эга ДМФБнинг таянч компонентлари турлича бўлишига қармасдан, ушбу гурухга мансуб ДМФБ компонентлари бинар оппозициясида намоён бўлувчи муайян даражадаги умумийлик билан

характерланади. Бинарлик қуидаги оппозицияларда ифодаланган: а) бу дунё – у дунё (*in the land of living, the valley of the shadow*); б) олов – сув (*unstable as water, fire and brimstone*); в) ёруғлик – зулмат (*make light of smb., walk in the darkness*); г) эзгулик – ёвузык, яъни Раҳмон (Исо) ва Шайтон образлари

(*The Prince of Peace, The Prince of Darkness*).

ДМФБнинг универсал характерига қарамасдан, ҳар бир тил қуидаги экстралингвистик омиллар билан шартланувчи ўзига хос, фарқли хусусиятларига эга: а) Библия таржималарининг пайдо бўлиш даври; б) конфессионал мансублик; в) миллий дунёқараш ва менталитет; г) ижтимоий-сиёсий тузум. Мазкур омиллар қуидагиларни тақозо этади:

1) ноэквивалент ДМФБнинг мавжудлиги ва микдорий тафовути. Масалан, умумий манбага қарамасдан (масалан, Айюб ҳақидаги библиявий афсона), ҳар бир тил ўзининг ДМФБ мажмуаси билан характерланади. Зоро, Айюб китобидан инглиз ва рус тилларига *as poor as Job – нищий как Иов; the Lord gave and the Lord has taken – Господь дал, Господь и взял; to lie down with kings and counselors – опочить с царями и советниками; to grope in the darkness –ходить во тьме* сингари ДМФБ кириб келган. Бироқ ушбу китобдан инглиз тилига кириб келган ДМФБ рус тилидагига қараганда семантик жиҳатдан анча серқирра бўлиб, микдорий тафовутнинг юзага келиши ҳамда рус тилида эквиваленти бўлмаган бир қатор ДМФБнинг юзага келишига замин яратади: *as patient as Job, Job's comforter, Job's news, Job's post, as the sparks fly upward* каби;

2) у ёки бу библиявий образларнинг турли тилларда алоҳида акцентлашувга эгалиги. Масалан, немис тилида инглиз ва рус тилларидан фарқли ўлароқ «den Uriasbrief geben» (хатни олиб борган одамнинг ўлим жазосига хукм қилинганилиги англатувчи мактуб) шаклидаги ДМФБлиги мавжуд. Ушбу ДМФБда Довуд ва Урия ҳақидаги диний ривоят ўз ифодасини топган ва ривоятга кўра, Довуд Урия билан унинг ўлими битилган мактубни жўнатган [2 Самуэль, 11: 1-24];

3) денотатив мансублик жиҳатидан эквивалент ДМФБнинг семантиказмун плани ва лингвомаданий талқинидаги тафовут. Масалан, «*manna from heaven – манна небесная*» фразеологик бирлигининг денотатив аспекти умумий семантик маънога эга бўлиб, Худо исроилликларга саҳродаги саргардонлик вақтларида юборган овқат билан ассоциацияланади. Бироқ инглиз тилида мазкур ДМФБнинг қўшимча кўчма маъноси мавжуд: «*any spiritual or divine nourishment/food*».

4) ўзлашма ДМФБнинг мавжудлиги. Масалан, инглиз тилида лотин ва француз тилларининг катта таъсири натижасида бир қатор ўзгаришсиз ўзлашган ДМФБлар мавжуд: *Fiat Lux, Sancta sanctorium, Agnus Dei, Nunc dimittis, Quo Vadis*. Рус тилидаги кўплаб ДМФБ ҳозирги кунда ҳам черков-славян тилида ишлатилади: *ничтоже сумняшеся, притча во языщех, ныне отпушающи, гробы повалленные, сосуд скудельный, камо грядеши, кимвал бряцающий*.

Тадқиқотда дунё диний тасвирини вербаллаштирувчи мақолларнинг этимологик ва мавзуйй тамойиллар асосида таснифи амалга оширилди. Этимология нуқтаи назаридан мақоллар қўйидагиларга ажратилди:

1) қадимий библиявий, яъни Библиядан тайёр мақол кўринишида ўзлашган ибора ва хикматлар: *To everything there is a season* [Ecclesiastes, 3:1]; *Не судите, да не судимы будете* [Матфей, 7:1];

2) таркибидаги муайян компонент ўзгарган, трансформацияланган библиявий мақоллар: *Don't judge by appearances* [John, 7:24]; *Нем милости не сотворившему милости* [Иаков, 2:13];

3) Библия матнида эркин биримма кўринишида қўлланган ва ўз маъносида ишлатилган, кейинчалик ФБ мавқеига эга бўлган пост библиявий мақоллар: *As you sow so shall you reap* [Job, 4:8]; *Устами младенцев глаголет истина* [Матфей, 21:16];

4) муайян халқнинг диний қарашларини акс эттирувчи диний маркерланган мақоллар: *The greater the sinner, the greater the saint; Бог не дремлет – всё слышит;* Элдан чиқсанг ҳам, диндан чиқма.

Мавзуй таҳлил оппозитив характерга эга бўлган 9 та мавзуй гурухларни ажратиш имконини берди: 1) Худо ва иблис: *where God builds a church, the devil will build a chapel; от бога отказаться к сатане пристать, Худога ишониб, оч қолма;* 2) имон ва имонсизлик: *faith will move mountains; вера спасает;* 3) эзгулик ва ёвузлик: *charity covers a multitude of sins; всякое даяние благо;* Садақа балони ер, тавба гуноҳни; 4) билим ва билимсизлик: *knowledge is power; ученье свет, а неученье тьма;* 5) бойлик ва камбағаллик: *love of money is the root of all evil, у богатого много друзей;* 6) ҳаёт ва ўлим: *Ashes to ashes dust to dust; голым родился, голым и умреши;* 7) инсоннинг ижобий ва салбий сифатлари: адолат, виждон, орасталик, хушчақчақлик, иккиюзламачилик, ёлғончилик, жаҳлдорлик, дангасалик: *A good name is better than precious ointment; по бороде – Авраам, а по делам Хам; Бекордан худо безор;* 8) ижтимоий муносабатлар: *Bad company corrupts good character; люби ближнего твоего, как самого себя;* тенг еганни тангри суюбди, ортиқ еганни – арвоҳ урибди; 9) оиласиий муносабатлар: *spare the road and spoil the child; дерево познается по плоду;* Ота-онасини танимаган тангрини танимас; 10) ибодатхона ва дин ахлига муносабат: *a church is God between four walls; не всяк монах, на ком клубок; масбех аздарганнинг бари мулла эмас.*

Кўриб чиқилган барча мақоллар аксиологик аҳамиятга эга бўлиб, турли ижобий ва салбий диний ва маданий қадриятларни ўзида намоён этади (эзгулик – ёвузлик, имон – имонсизлик, ҳаёт – ўлим ва ҳоказо). Савоб ва гуноҳ тушунчаси «Эзгулик ва Ёвузлик» тушунчалари билан ўзаро боғлиқлиги сабабли, улар ҳам ушбу гурухга киритилди. Бундан ташқари, ўзбек тилида «Эзгулик ва Ёвузлик» гуруҳида Исломда рухсат этилган ва тақиқланган ҳаракатларни англатувчи «Ҳалол ва Ҳаром» гуруҳи ажратилган (*Ҳалол ишила; ҳалол тишила; Ҳаром молнинг баракаси йўқ*). Умуман олганда, мазкур мавзуй

гурухларни характерловчи белгилар кўриб чиқилаётган барча тилларда мос келади.

Диссертациянинг «Интертекстуаллик бадиий матнда диний-мифологик тафаккурни намоён этувчи восита сифатида» деб номланган учинчи бобида интертекстуаллик, прецедентлик, кучли ва кучсиз матнлар, билим тузилмалари, аллюзия сингари тушунчалар кўриб чиқилган, шунингдек, бадиий матнда диний-мифологик тафаккурнинг воқеланиши тадқиқ этилган.

Интертекстуаллик ва прецедентлик назарияси ёндашувлар, нуқтаи назарлар ва изоҳларнинг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Мазкур муаммога доир лингвистик адабиётларнинг ҳар томонлама таҳлилидан қилибкелиб чиқиб, қўйидаги изоҳларга асосланамиз: интертекстуаллик бу – прецедент матн ва реципиент матн ўртасидаги матнлараро таъсир механизмини англатувчи матн категорияси; прецедент матн – интертекстуалликни яратиш учун ресурс бўлиб хизмат қилувчи манба-матн; интертекст – таркибида прецедент матн қўлланган реципиент матннинг бўлаги. Ю.Н.Караулов, Д.Б.Гудков, В.В.Красных ва бошқалар<sup>26</sup> қайд этишганидек, прецедент матннинг асосий хусусиятларига умуммаълумлик, мурожаатларнинг кўплиги, реинтерпретацияланувчанлик, семиотиклик, эталонлик, образлилик, когнитив ва аксиологик аҳамиятга эгалик кабилар киради.

Диний-мифологик матнларнинг прецедентлиги, аввало, уларнинг «кучли» матнларнинг «ядерли» типига мансублиги билан шартланган. Бу диний-мифологик матнлар ўзига хос илк матнлар бўлиб, бир қатор миллий маданиятлар учун муҳим ва аксиологик аҳамиятга эгалигини англаади.

Диний-мифологик матнлар прецедент матнларнинг барча хусусиятларига эга: 1) умуммаълумлик ва мажмуавийлик, яъни универсал-прецедент характерда бўлиб, турли лингвомаданиятлар вакилларига мълум ва таниш; 2) юқори даражадаги ифода рекуррентлик (такорланувчилик), яъни диний-мифологик матнлар, сюжетлар, мотивлар, образлар матннинг турли типлари (бадиий, газета, публицистик)да фаол қўллангани каби кундалик турмушда ҳам кўп ишлатилади; 3) реинтерпретацияланувчанлик, яъни ушбу матнлар санъатнинг турли кўринишлари (тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, балет ва бошқ.)да акс эттирилади; 4) аксиологик аҳамиятга эгалик, зеро, улар турли лингвомаданиятларнинг хулқ-автор меъёрларини бошқарувчи маданий доминант сифатида намоён бўлади; 5) рамзийлик ва образлилик, тимсолга айланган муайян образлар билан ассоциациялана олиш имконияти; 6) когнитив аҳамияти, яъни турли типдаги билим тузилмаларини инсон онгига фаоллаштириш, у ёки бу матннинг туб семантикасига сингиб кета олиш имконияти.

<sup>26</sup> Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – 261с.; Гудков Д. Б., Красных В. В., Захаренко И. В., Багаева Д. В. Некоторые особенности функционирования прецедентных высказываний//Вестник МГУ. Сер. 9. Филология. 1997. – №4. – С. 106-117; Прохоров Ю. Е. Национальные социокультурные стереотипы речевого общения и их роль в обучении русскому языку иностранцев. – М. : УРСС, 2003. – 224 с.

Когнитив лингвистика назариясининг муҳим вазифаларидан бири билим тузилмаларининг тил бирликлари орқали ифодаланиш усулларини ўрганишdir. Билим тузилмаларига доир таснифларнинг ҳар хиллиги ва терминологиянинг турли-туманлигига қарамасдан, қўплаб тадқиқотчилар асосий турлар сифатида лингвистик ва экстравингвистик билим типларни ажратадилар. Тадқиқотимиз натижалари маданий, диний ва мифологик характердаги нолисоний билим тузилмаларини вербаллаштирувчи муҳим тил бирликларидан бири диний-мифологик аллюзия эканлигини кўрсатди.

Мифологик-диний аллюзия бадиий матнда қўллана туриб, интертекстуал маркер сифатида намоён бўлади ва қўйидагилар воситасида ифодаланади:

1) **аллюзивантропоним:** *Here was a man who had kept alive the old red flame of fatherhood, fatherhood that had even the right to sacrifice the child to God, like Isaak* [Lawrence, England, my England, p. 120];

2) **аллюзивфразеологик бирлик:** «*The prodigal has returned*» – he said. We will not fail to kill the fatted calf» [Maugham, The Making of a Saint, p.25];

3) **аллюзивтопоним:** *And America for twelve years had been their anathema, the Sodom and Gomorrah of industrial materialism* [Lawrence, Things, p. 226];

4) **аллюзивцитата:** He would try, as far as possible, to abstain from influencing his children by assuming any responsibility for them. «*A little child will lead them*» – «His child should lead, then [Lawrence, England, my England, p. 121];

5) **аллюзив сарлавҳа:** The Unicorn (I.Murdoch), East of Eden (J.Steinbeck), Kane and Abel (J.Archer), Ulysses (J.Joyce); Circe (E.Welty), Clancy in the Tower of Babel (J.Cheever), Samson and Delilah (D.H.Lawrence).

Диний-мифологик аллюзия когнитив аҳамиятга эга стилистик восита сифатида бошқа матн билан интертекстуал муносабатга кириша туриб, катта ҳажмдаги қомусий билимларни ихчам шаклда ифодалашга хизмат қиласи ва муайян прецедент вазиятни фаоллаштиради, маънони шакллантирувчи вазифани бажаради, янги контекстуал маънолар билан бойиб боради, матннинг туб семантикаси ва индивидуал муаллиф ғоясини англаш учун муҳим бўлган маданий ва концептуал ахборотни ўзида мужассамлаштиради. Намуна сифатида қўйидаги мисолни кўриб чиқамиз:

*Matilda was a tall, thin, graceful fair girl, with a rather large nose. She was the Mary to Emmie's Martha: that is, Matilda liked painting and music, and read a good many novels, whilst Emmie looked after house-keeping. Emmie was shorter, plumper than her sister, and she had no accomplishments. She looked up to Matilda, whose mind was naturally refined and sensible* [Lawrence, England, my England, p.183].

Ушбу мисолда муаллиф Рокли опа-сингилларининг характеристини тасвиrlашда библиявий антропоним-рамзлар – Мэри ва Марфа исмларидан фойдаланади ва бу орқали маънавиятлилик ва маънавиятсизлик тушунчаларини ўзаро қарама-қарши қўяди.

Диний-мифологик аллюзиянинг муҳим жиҳатларидан бири окказионал ўзгаришларга дуч кела олишидир. Машхур библиявий иборанинг окказионал қўлланилишини қўриб чиқамиз: *So God created man in his own image – И сотворил Бог человека по образу Своему* [Бытие 1:27]:

*He doubted only whether he had made his own bribe big enough. God had His price, of course. **God was made in man's image** [Fitzgerald, The Diamond as Big as the Ritz. P. 66].*

Маълумки, инсоннинг Худо намунаси бўйича яралиши унда саҳийлик, раҳмдиллик, авлиёлик, имонлилик, поклик, маъсумлик, меҳр-муҳаббат, кечиримлилик,adolatлилик каби илк сингдирилган ижобий фазилатларнинг мавжудлигини назарда тутади. *God was made in man's image – Бог был сотворён по образу человека тарзиаги окказионал қўлланиш мазмуннинг ўзгаришига олиб келади ва инсон қалбининг фирибгарлик, мансабпастлик, шафқатсизлик, ҳасадгўйлик, нафрат, иккюзламачилик сингари салбий хусусиятлари ва ҳикоя матнида «*God's image – man's image*» оппозицияси воситасида имплицит тарзда ифодаланган инсон сакрализацияси ҳамда десакрализациясига доир концептуал маънони очиб беришга хизмат қиласди.*

Шундай қилиб, диний-мифологик аллюзиянинг муҳим хусусиятлари сирасига қўйидагилар киради: 1) инсоннинг психологик, ички ва ташқи характеристикалари, маънавий сифатлари билан ассоциациялана олиши ҳисобига матнда ўзининг рамзий маъносини сақлаб қола олиши; 2) бир вақтнинг ўзида бир нечта, баъзан оппозитив, концептуал белгиларни ифодалай олиши; 3) матнда турли лингвистик ифода шаклларида амал қила олиши; 4) муаллиф мақсадига мувофиқ турли окказионал ўзгаришларга учрай олиши; 5) дунё индивидуал-муаллифлик тасвирининг муҳим компоненти сифатида амал қилиши.

Диссертациянинг «**Дунё диний тасвирининг таянч концептлари**»деб номланган тўртинчи бобида диний-мифологик концептлар (ДМК)ни таснифлаш мезонлари ишлаб чиқилган, ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида маданий қадриятларни таснифлашга доир когнитив тамойил сифатида қаралган бинарлик тушунчаси ёритилган ва ДММТБнинг рамзий моҳияти очиб берилган.

Тадқиқотимиз натижаларининг далолат беришича, кўплаб асосий диний-мифологик тушунчалар муҳим аксиологик аҳамияти, гетерогенлиги, кўп қирралиги билан ажralиб турувчи ўзига хос концептларни шакллантиради. Бу ДМК нафақат диний дунё тасвирининг муҳим таркибий қисми эканлиги, балки оламнинг умумтил ва миллий тасвирида ҳам муҳимлиги билан шартланган. Тадқиқот жараёнида ДМК таснифини қўйидаги мезонлар асосида амалга ошириш мумкинлиги аниқланди:

**1)** бинарлик, чунки кўплаб диний ва мифологик тасаввурларда мавжуд бўлган ДМКлар оппозиция ва контрастлик тамойили асосида қурилган: Жаннат – Дўзах (Рай – Ад), Эзгулик – Ёвузлик (Добро – Зло), Имон – Имонсизлик (Вера – Неверие), Савоб – Гуноҳ (Благое – Грех), Илоҳий – Дунёвий (Святое – Мирское), Ёруғлик – Зулмат (Свет – Тьма);

**2)** универсаллик/дифференциаллик. Универсал ДМКлар барча диний-мифологик тасаввурларда мавжуд (ингл.: *God and Faith*, киёсланг: ўзб.: *Худо – Имон*; рус.: *Бог – Вера*; ит.: *Dio e Fede*; исп.: *Dios y Fe*; нем.: *Gott und Glaube*; тур.: *Tanrı ve inanç*). Шунингдек, универсаллар сирасига Жаннат (Рай), Рух, Қалб (Душа), Савоб (Благое), Яхшилик (Добро), Дўзах (Ад), Иблис (Дьявол), Ёвузлик (Зло), Гуноҳ (Грех), Ҳаёт (Жизнь), Ўлим (Смерть), Ёруғлик (Свет), Зулмат (Тьма) ва бошқа концептлар киради. Дифференциал концептларга муайян дин вакиллари учун аксиологик аҳамиятга эга бўлган ДМК киради (исл.: *Фарз, Суннат, Калима, Тавҳид, Ихлос, Тақдир, Ҳаром, Ҳалол, Тавба*; христ.: *Святая троица, Заповеди, Дева-Богородица*; иуд.: *Эдут* (завет), *Тиува* (раскаяние), *Авера* (грех); буд.: *Праджня* (доноликка етишиш), *Шила* (ахлоқий ҳаракатлар), *Карма* (конун устуворлиги);

**3)** аксиологик аҳамияти, яъни ДМК мазмунида ижобий (Худо, Эзгулик, Жаннат) ёки салбий (Иблис, Дўзах, Гуноҳ) эмоционал-баҳо белгиларининг мавжудлиги. Масалан, ассоциатив луғатлар материали асосида ўтказилган ассоциатив алоқалар таҳлили *Virtue* (Благое/Савоб) концепти ёзгулик, поклик, тозалик, айбиззлик, маъсумлик кабилар билан боғлиқ бир қатор ижобий белгилар: saint-like, angelic, saintly, righteous, good, pure, admirable, glorious, splendid, wonderful, marvelous, superb, valuable, etc.ни ўзида ифодалашини кўрсатди. Аксинча, *Sin* (Грех/Гуноҳ) концепти ёвузлик, нопоклик, номардлик, ноҳақлик кабилар билан ассоциацияланувчи салбий эмоционал баҳо маънолари: bad, immoral, dishonest, unjust, evil-minded, malevolent, sinful, graceless, infernal, demonic, satanic, hellish, abandoned, unvirtuous, shameless, etc.ни ўзида ифодалайди;

**4)** ядро/периферия. Ядроий концептларга кўплаб универсал концептлар киради (*Жаннат – Дўзах*, Эзгулик – Ёвузлик, Имон – Имонсизлик, Савоб – Гуноҳ). Ҳар бир диннинг ўзида ҳам аксиологик аҳамияти жиҳатидан ядроийга мансуб бўлган концептларнинг бутун бир мажмуаси ажратилади: исломда: *Фарз, Суннат, Тавҳид, Ихлос, Рамазон*; христианликда: *Спасение, Исповедь, Святая Троица, Завет, Распятие*; иудаизмда: *Завет, Мишина, Шаббат*; буддизмда: *Карма, Дхарма, Нирвана, Сансара* ва бошқалар. Периферия икки хилдаги характерга, яъни ҳам диний, ҳам дунёвий аксиологик аҳамиятга эга бўлган диний концептлар (*Мұхаббат, Изтироб, Адолат, Тавба, Мехр, Авғ*) орқали ифодаланади.

Таъкидлаш жоизки, санаб ўтилган таснифлаш тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Шу боис кўплаб ДМКни бир вақтнинг ўзида бир қанча параметрлар асосида таснифлаш мумкин. Масалан, ДМК Худо ва Шайтон барча лингвомаданиятларда акс этувчи универсал концептлар сирасига киради: ингл.: *God/Devil*; нем.: *Gott/Teufel*; фр.: *Dieu/Diable*; исп.: *Dios/Diablo*; ит.: *Dio/Demone*; рус.: Бог/Дьявол; ўзб.: *Худо/Шайтон*; араб.: *الله/شيطان*; тур.: *Tanrı/Şeytan*. Улар диний концептларнинг ядросини ташкил этади ва айни пайтда бинар муносабатлари билан характерланади. Мазкур концептларнинг аксиологик аҳамияти уларнинг бевосита олам тузилиши ҳақидаги умуминсоний тасаввурларни акс

эттириши билан изоҳланади. Ушбу тасаввурлар ўз навбатида қабул қилинаётган борлиқнинг муайян миллий дунё тасвирини шакллантиради.

Диссертацияда ишлаб чиқилган ҳолатлардан бири бинар оппозицияни категориялаштиришнинг когнитив тамойили сифатида кўриб чиқилиши ҳисобланади. Зоро, бинар оппозиция фазо, вақт, физиология, маданий қадриятлар, табиат ва шу кабилар ҳақидаги тасаввурларда намоён бўлувчи оламни англашнинг универсал воситасидир.<sup>27</sup> Бошқача айтганда, бинарлик инсон фаолиятининг ижтимоий, маънавий, эстетик, этик сингари барча жабҳаларини қамраб олади (2-расм).



2-расм. Бинарлик категориялаштиришнинг когнитив тамойили сифатида

Тил материали таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, кўплаб ДММТБ ва концептлар бинарлик оппозицияси тамойили асосида қурилган кўп қиррали ассоциатив алоқалар билан ўзаро боғланган ўзига хос концептуал фазоларни шакллантиради. Чунончи, GOD концептуал майдони LIGHT, HEAVEN, GOODNESS, VIRTUE, SACRED концептуал фазолари билан, DEVIL концептуал фазоси эса DEVIL, HELL, DARKNESS, SIN концептуал фазолари билан чамбарчас боғлиқ. Қайд этиш жоизки, бир фазонинг тўлиқ тадқиқини бошқаларини жалб қиласдан амалга ошириш имкони йўқ, бу эса ўз навбатида ўзаро таъсир қилувчи бинар концептлар асосига қурилган дунё диний тасвирининг мураккаблиги ва кўп қирралилигидан далолат беради.

Диний концептларни фарқловчи хусусият яна шундан иборатки, улар ўзаро қарама-қарши бўлган икки турдаги когнитив модел: диний (абадий фароғат; дўзах – абадий азоб) ва дунёвий (жаннат ва дўзах – яшаш шароитлари) моделларни шакллантирган ҳамда ички бинарлик тамойили

<sup>27</sup> Лотман Ю. М. Семиосфера. Культура и взрыв среди мыслящих миров: Статьи. Исследования. Заметки / Ю.М. Лотман. – СПб., 2001. — 704 с.; Уваров М.С. Бинарный архетип. Эволюция идеи антиномизма в истории европейской философии и культуры. СПб.: изд-во БГТУ, 1996. –214 с.; Леви-Строс К. Структурная антропология. – М.: Наука, 1983. – 535 с.

асосида тузилиши мумкин. HEAVEN ва HELL концептининг диний когнитив модели абадий баҳт ёки гуноҳкорларга бериладиган абадий жазо жойи ҳақидаги диний тасаввурларни акс эттирувчи маънолари билан ифодаланади: HEAVEN – a dwelling place of perfect happiness for the soul after death; HELL – the neither realm of the devil and the demons in which the damned suffer everlasting punishment. Унинг дунёвий модели инсоннинг баҳтли ва хурсанд эмоционал ҳолати ёки оғир турмуш тарзи (уқубат, камбағаллик)ни акс эттирувчи маънолари билан ифодаланади: HEAVEN – a place or state of supreme happiness, an often imaginary place or state of utter perfection and happiness; HELL – a place or state of misery, torment, or wickedness: *war is hell*; an extremely unpleasant and often inescapable situation: *rush-hour hell* (MWCT).

Бинар оппозициянинг бадиий матнда воқеланиши анча аҳамиятли. Дж.Мильтоннинг итоатсизлик, гуноҳкорлик тўғрисидаги библиявий ривоятларининг ўзига хос талқини асосида яратилган «Paradise Lost» асари таҳлили мазкур асар деярли тўлиқ бинар оппозициялар (ЭЗГУЛИК – ЁВУЗЛИК, ЁРУГЛИК – ЗУЛМАТ, ХУДО – ШАЙТОН, ҲАЁТ – ЎЛИМ, ГУНОҲ – САВОБ, БИЛИМ – БИЛИМСИЗЛИК, ЭРКИНЛИК – ҚУЛЛИК) билан қамраб олинганинги кўрсатади.

ДМКнинг матнвоситасида воқеланишидаги ўзига хослик шундаки, концептлар структураси кўпинча: 1) турли трансформацияларга учраши ва янги маъно ҳамда ассоциацияларга эга бўлиши ҳисобига бойиб бориши; 2) ўзининг систем маъноларини йўқотиши ва эмоционал баҳо йўналишини ўзгартирган ҳолда қарама-қарши маънога эга бўлиши мумкин. Масалан, Heaven (Рай, Жаннат) концепти маънавий, эстетик, эмоционал характердаги ижобий тавсифларга эга бўлса-да, Дж.Мильтон асари контекстида қуллик, истибдод, зулм сингарилар билан ассоциацияланувчи салбий белгиларни акс эттирувчи мутлақ қарама-қарши маъно касб этган (*tyranny of Heaven; highwill whom resist; allruling Heaven; monarchin Heaven; forcedhalle lujahs; state of splendidvassalage, vassal sof hisanger*). Аналогик тарзда инсон онгига факат салбий белгилар билан ассоциацияланувчи Hell концепти Дж.Мильтон асарида эркинлик ва мустақиллик тушунчаларини воқелантирган ҳолда ижобий баҳо касб этган (*shall befree; mayreignsecure; free and non eaccountable; hard liberty*).

Амалга оширилган тадқиқот натижалари бинарлик – концептуал майдонларнинг ўзаро мураккаб таъсирига асосланган дунё диний тасвири тузилишининг когнитив тамойилидир, деган хulosага келиш имконини беради. Диний-мифологик концептларнинг фарқли жиҳатлари қуидагилардан иборат: а) уларнинг универсал характеристи; б) оппозитив концептуал белгиларни акс эттирувчи мураккаб когнитив структураси; в) дунёнинг индивидуал-муаллифлик тасвирини акс эттирувчи турли типдаги контекстуал трансформация ва ўзгаришларга учрай олиши.

Тадқиқот давомида рамзийлик муаммоси ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди, негаки, қўплаб ДММТБ ўзининг рамзий аҳамияти билан ажралиб туради, зеро, улар ўз мазмунида катта ҳажмдаги эксплицит ва

имплицит ахборотни қайд этади ва кодлаштиради. Тадқиқот натижасида рамзий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги семантик гурухлар ажратилди:

1) диний маркерланган зоонимлар: *кабутар* – тинчлик, эзгулик, поклик; *лайлак* – тинчлик ва хотиржамлик рамзи; *ибис* – ақл, Тот худоси тимсоли; *сигир* – оналик, фаровонлик, индуизмдаги муқаддас жонивор;

2) диний ўзиша хослика эга бўлган топонимлар: *Макка* – мусулмонликнинг маънавий маркази, муқаддас шаҳар; *Содом и Гоморра, Вавилон* – фахш, разолат рамзлари;

3) диний рамзий маънога эга бўлган сонлар: 1 – Худонинг ягоналиги; 3 – яхлитлик, оламнинг уч қисмдан иборатлиги; 7 – космологик бутунлик рамзи; 40 – тугалланганликнинг рамзи;

4) диний рамзийликка эга бўлган ранглар: оқ – поклик, тозалик, айбсизлик; яшил – умид, уйғунлик; қора – литургия, ўлим; кўк, ҳаворанг – маънавий камолот;

5) антропонимлар: Иов/Айюб/Job – кўп азоб чекувчи, сабрли; Соломон/Сулаймон/ Solomon – доно ёки бой; Иосиф/Юсуф/Joseph – иффатли, чиройли;

6) диний рамзийликка эга фитонимлар: нилуфар – пок, қизларга хос мұхаббат; атиргул – христианликда Исо пайғамбар томонидан тўкилган қон рамзи; зайдун шохи – тинчлик тимсоли; тёрн гулчамбари – азоб, укубат рамзи.

Диний-мифологик рамзийликнинг ўзига хослиги қўйидагиларда намоён бўлади:

1) универсаллик, яъни мазкур рамзийликнинг қўплаб динларда намоён бўлиши. Масалан, 7 сони жуда кўп диний-мифологик тасаввурларда муқаммаллик, даврий тугалланганликни англатади ва бу жуда кўп дин ва мифологияларда миқдори 7 га teng бўлган тушунчалар, феноменларнинг мавжудлигини тақозо этади: **Ислом**: етти осмон, етти иқлим, ер ва денгиз, жаннатнинг етти дарвозаси, Каъбани етти марта айланиб чиқиши; **христианлик**: Муқаддас руҳнинг етти инъоми, етти мўъжиза, етти фаришта, етти эзгу хислат, етти кечирилмас гуноҳ; **иудаизм**: етти шам (менора), етти буюк байрам, ҳар бир гуноҳ учун етти йиллик тавба, етти кун азадорлик; **индуизм**: етти доно (сапта-риши), етти олам (сапта лока), етти муқаддас шаҳар (сапта пура), етти муқаддас тоғ (сапта парвата); **шумер-аккад мифологияси**: етти сайёра, етти юлдуз, етти минтақа, етти зиккуратлар.

7 сонининг диний-мифологик рамзийлиги тил тизимида ҳам намоён бўлади: *за семью печатями, за семью замками; семь смертных грехов, еттинчи осмонда бўлмоқ, еттисини ўтказмоқ, етти пуштини билмоқ*.

2) рамзий маънонинг амбивалентлиги, яъни диний-мифологик тасаввурлардан келиб чиқиб ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларни акс эттира олиши (илон – христианлик ва иудаизмда ёвузлик, нафс; зороастризмда зулмат рамзи; индуизмда муқаддаслик; мисрликлар мифологиясида олий илоҳий ва шоҳона ақл ва ҳоказо). Мазкур маъно амбивалентлиги тил сатҳида ҳам намоён бўлади: *nursing a snake in one's*

*bosom; snake in the grass; отогрел змею за пазухой; будьте мудры, как змеи, и прости, как голуби* (Матфей, 10:16);

3) турли диндаги талқинларга мувофиқ равища құшимча рамзий маңнолар касб эта олиши. Масалан, 2 сони христианликда Исонинг икки хил табиатини (илохий ва инсоний); буддизмда сансаранинг иккиласынчилегини, инь-ян – эркак ва аёл ибтидосини; индуизмда – икки тарафламалик, мунофиқликни, шакта-шакти; 3 – христианликда муқаддас Троицанинг уч руҳи, индуизмда – Тримурти, яратиш, вайрон қилиш, асраш учлик құдрати ва ҳоказоларни англатади.

Лисоний таҳлил натижасида диний-мифологик рамзийлик миллий-маданий спецификаға үзиге хосликка күра ҳам фарқ қилиши мүмкінлиги аникланди. Масалан, Д.Г.Лоуренснинг «England, my England» ҳикоясида муаллиф томонидан «Ishmael» диний антропоними қўлланган. Христиан анъясасига кўра «Исмоил» исми кўпинча «қувғинди, саргардон» рамзий маңноларида ишлатилади. Намуна тариқасида мисол келтириб ўтамиш:

*...the father wandered outside like Ishmael, only coming sometimes to sit in the home for an hour or two; an evening or two beside the camp fire, like Ishmael, in a curious silence and tension, with the moking answer of the desert speaking out of his silence, and annulling the whole convention of the domestic home* (Lawrence, England, my England. p.133).

Муаллиф ушбу аллюзивантропоним-рамз ва у билан боғлиқ бўлган «wandering», «desert», «camp fire» лексемалари воситасида инсон онгидаги библиявий ривоятни фаоллаштирувчи билим тузилмалари орқали қувғин қилинган, аммо ўз ёлғизлигига ҳам мағрут қолган инсон персонажи образини яратади: *That little cleft between his brow, that flickering, wicked, little smile that seemed to haunt his face, and above all, the triumphant loneliness, the Ishmael quality.*

Диний-мифологик рамзийликнинг матнда воқеланиши таҳлили натижалари шуни кўрсатдиги, рамзий аҳамиятга эга диний-мифологик бирликлар аллюзиясифатида бадиий матнда қўлланар экан: а) прецедент вазиятни ва у билан боғлиқ бўлган ассоцииацияларни китобхон онгидаги фаоллаштиради; б) концептуал интеграллашув механизми асосида диний-мифологик характерга эга бўлган катта ҳажмдаги қомусий билимларни акс эттиради; в) рамзий ва концептуал аҳамиятга эга бўлган вазифани бажаради.

## ХУЛОСА

1. Теолингвистика – лингвистика ва теология кесишувида пайдо бўлган ва турли диний-мифологик тасаввурларнинг тилда акс этишини ўрганувчи янги фанлараро лингвистик фандир. Мазкур фаннинг долзарбилиги, энг аввало, унинг лингвистика учун катта қизиқиши уйғотувчи тил ва маданият, тил ва тафаккур, тил ва жамият муносабатлари муаммоларига дахлдорлиги билан изоҳланади, зеро, тил ва диннинг ўзаро муносабати муаммоси ушбу масалаларнинг ажралмас таркибий қисмидир. Дин маънавий қадриятларнинг

бир шакли сифатида бутун инсоният маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳамда муайян даражада аниқ бир динга сиғинувчи халқларнинг тафаккури ва дунёқараши, ижтимоий қоидалари ва ҳаёт тарзини белгилаб беради.

2. Тил ва диннинг ўзаро муносабати муаммосини ўрганишга доир ёндашув ва нуқтаи назарларни жамлаган ҳолда иккита асосий йўналишни ажратиш мумкинлиги аён бўлади. Биринчи йўналиш сакрал матнлар ва диний коммуникация хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган. Тадқиқотимиз учун асос сифатида хизмат қилган иккинчи йўналиш эса дунёning лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этишини ўрганади. Ушбу йўналиш нуқтаи назарига кўра, теолингвистик тадқиқотларнинг мақсади диний-мифологик билим тузилмаларининг тилда ифодаланиш ва сақланиш тизимини ўрганиш, мазкур билимларнинг турли сатҳларга мансуб тил бирликлари орқали ифодаланиш усулларини аниқлаш, тилшуносликнинг анъанавий ҳамда янги фанлараро йўналишлари метод ва ютуқлари асосида тил ва дин ўртасидаги муносабатни тадқиқ этишдан иборат. Назаримизда, тил ва дин муносабатига доир тадқиқотлар когнитив тилшунослик, матн лингвистикаси, лингвомаданиятшунослик сингари йўналишлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган мустақил фанлараро фан – теолингвистика доирасида амалга оширилиши лозим.

3. Тадқиқотда тил ва дин ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилишнинг босқичли комплекс методикаси ишлаб чиқилган ва у қўйидагиларни амалга ошириш имконини берди: а) лексик, фразеологик, паремиологик бирликлар материали асосида ДММТБнинг воқеланишинини аниқлаш; б) муайян мезонлар асосида ДММТБнинг турли таснифларини ишлаб чиқиш; в) интертекстуаллик ва прецедентлик назариялари нуқтаи назаридан ДММТБнинг бадиий матнлари концептуал аҳамиятини аниқлаш; д) диний-мифологик концептларни таснифлаш мезонларини ишлаб чиқиш; е) бинарлик тамойили асосида ДМКнинг вербаллашув хусусиятларини аниқлаш; ё) ДММТБнинг рамзий аҳамиятини очиб бериш.

4. Тадқиқотда амалга оширилган ёндашув ДММТБ лексик, фразеологик, паремиологик бирликлар, шунингдек, афористик ва бадиий матнларда ифодаланиши мумкинлиги тўғрисида хuloscha чиқариш имконини берди. ДММТБни таҳлил қилиш натижасида қўйидагилар амалга оширилди: 1) диний маркерланган лексик бирликларнинг денотатив-сигнификатив мансублик тамойили асосида мавзуй таснифи ишлаб чиқилди ва у асосида бир қатор динлар учун универсал бўлган ва ҳар бири ўз навбатида муайян бир динга мансублигига кўра айrim фарқли белгиларга эга кичик гурухлардан таркиб топган 6 та макромурух (ислом, христианлик, иудаизм, буддизм, индуизм ва зороастризм) аниқланди; 2) ДМФБ денотатив-семантик тамойилига кўра таснифланди ва уларнинг 17 гурухи белгиланиб, рамзийлик, бинарлик ва турли типдаги билим тузилмаларини ифодалай олиш ДМФБнинг ўзига хос фарқловчи хусусиятлари эканлиги аниқланди; 3) мақолларнинг этимологик таҳлили натижасида генетик шартланган диний маркерланган мақолларнинг 4та гурухи ажратилди; 4) мақолларнинг мавзуй таҳлили

натижасида улар 9 та мавзуй гурӯҳга ажратилди, уларнинг катта қисми ўзида универсалияларни ифодалаши ҳамда оппозитив характерга эга эканлиги аниқланди.

5. ДММТБнинг шаклланиши, сараланиши, амал қилиши лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан шартланган ўзига хосликларга эга. Лингвистик омиллар сирасига: а) оригинал тилдан ўзлаштириш; б) сакрал китоблар ва адабиётлар таржимаси; в) ДММТБнинг эквивалентлилиги ва эквивалентсизлиги; г) ҳар бир тилнинг ДМФБ семантик структурасидаги фарқ; д) у ёки бу диний-мифологик образ ва сюжетларнинг турли тилларда таъкидланиши кабилар киради. Экстралингвистик омиллар эса қуидагилар билан шартланган: а) ўрганилаётган тил мамлакати ҳудудида у ёки бу тилнинг етакчилиги; б) диний, ибодат тилларнинг муқаддаслашуви; в) турли мамлакатлар ҳудудида сакрал китоблар таржимасининг пайдо бўлиш даври; г) турли халқларнинг конфессионал мансублиги; д) миллий дунёкарош ва анъаналарнинг ўзига хослиги; е) ўрганилаётган тил мамлакатининг ижтимоий-сиёсий тузуми.

6. Матн интертекстуаллиги ва прецедентлиги назариялари асосида бадиий матн мисолида амалга оширилган дунё диний тасвири таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, ДММТБ бадиий матнда интертекст сифатида намоён бўлади ва китобхоннинг онгини диний-мифологик матнлар ва уларга сингдирилган диний-мифологик билим тузилмалари сари йўналтиради. Диний-мифологик матнлар умуммальумлиги, рекуррентлик частотаси юқорилиги, реинтерпретациялашуви, рамзийлиги ва образлилиги, аксиологик ва когнитив аҳамиятлилиги билан ажралиб туради ҳамда кучли матнларнинг «ядровий» типига мансуб. Улар бадиий матнда муайян прецедент вазият ва у билан боғлиқ ассоциацияларни фаоллаштирувчи интертекстуал сигналлар, хусусан, диний-мифологик характердаги аллюзиялар сифатида намоён бўлади, шу тариқа маданий ва концептуал ахборотларнинг яхлит бир қатламини сиқиқ, ихчам шаклда ифодалашга ёрдам беради. Диний-мифологик характердаги аллюзияларнинг матнда ифодаланишига хосхусусиятларга уларнинг окказионал трансформацияларга учрай олиши, бир вақтнинг ўзида оппозитив концептуал белгиларни ифодалаши ва кўшимча концептуал маъноларга эга бўла олиши кабилар киради.

7. Асосий диний-мифологик тушунчаларнинг аксарияти ўзига хос диний-мифологик концептларни шакллантиради. Ушбу концептларда когнитив-концептуал аҳамияти нуқтаи назаридан қадриятли компонент биринчи ўринга чиқарилади ва бу ҳолат мазкур концептларни дунё концептуал тасвири ва, хусусан, дунё диний тасвирининг энг муҳим компоненти сифатида талқин этиш имконини беради. Тадқиқотда диний-мифологик концептларни: 1) бинарлик; 2) универсаллик/дифференциаллик; 3) аксиологик аҳамияти; 4) ядро/периферия тамойиллари бўйича таснифлаш мезонлари ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, диний-мифологик концептларнинг кўпчилиги юқорида санаб ўтилган тамойилларнинг биттаси ёхуд барчасининг йиғиндиси нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши мумкин.

Шунингдек, ўтказилган таҳлил диний-мифологик концептларнинг тузилиши тез-тез турли трансформацияларга учраши мумкинлиги ва натижада у ўзининг систем маъносини йўқотган ҳолда янги, баъзан ҳатто қарама-қарши характердаги концептуал маъноларни касб этиши мумкинлигини кўрсатди.

8. Бинар оппозиция дунё диний тасвирини категориялаштиришнинг когнитив тамойилидир, зеро, дунё диний тасвирининг бинар характери уни ифодаловчи барча диний-мифологик тил бирликлари даражасида: лексика, фразеология, паремиология ва матнда намоён бўлади. Бинар оппозиция, айниқса, ўзаро кўп сонли ички ва ташқи оппозитив алоқалар асосида боғланган турли концептуал майдонларни шакллантирувчи концептлар даражасида яққолроқ намоён бўлади.

9. Рамзий аҳамиятга эгалик ДММТБларга хос хусусият ҳисобланади. Рамзий маъно, айниқса, зоонимлар, антропонимлар, топонимлар, сонлар, ранглар, фитонимлар сингари семантик гурухларда яққол намоён бўлади. Диний-мифологик рамзлар, тимсолларнинг умумий хусусиятларига: а) рамзийликдаги универсаллик; б) рамзий маъно амбивалентлиги; в) прецедент вазиятни ифодалаши ва қўшимча рамзий маъно касб эта олиши; г) катта ҳажмдаги диний-мифологик характерга эга қомусий билимларни ихчам кўринишда ифодалай олиши кабилар киради.

10. Ўтказилган тадқиқот асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, дунё диний тасвирининг тилда акс этишини ўрганишга қаратилган фанлараро янги лингвистик йўналиш – теолингвистикани катта аҳамиятга эга бўлган ва истиқболли мустақил фан сифатида эътироф этиш зарур.

Ушбу тадқиқотнинг истиқболли муаммолари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: ДММТБнинг сатҳлараро (лексик, фонетик, синтактик) репрезентацияллашуви; турли лингвомаданиятлар ва тилларда диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши; тилнинг турли сатҳларида ДММТБларни категорияллаштириш ва таснифлаш масаласи; дунёнинг лисоний тасвирида диний концептларнинг вербаллашуви ва уларнинг қиёсий тадқиқи; диний дунё тасвирининг турли хил дискурсларда ифодаланиши (институционал, бадиий, юмористик, газета ва ҳк.); турли хил матнларда келиб чиқиши диний бўлган прецедент матнларнинг намоён бўлиши ва концептуал аҳамияти; диний образлилигка эга тил бирликларини турли матнларда ифодаланиши; диний-мифологик маркерланган тил бирликларни бир система ёхуд ҳар хил системага мансуб бўлган тиллар материалида кириб чиқиш; диний маркерланган тил бирликларни турли муаллифларнинг идиоуслубида намоён бўлиши ва қўлланиш хусусиятларини ўрганиш.